

## КУШОН ДАВЛАТЧИЛИГИ БОШҚАРУВ ТИТУЛЛАР ЕВОЛЮЦИЯСИННИГ АШЁВИЙ МАНБАЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Шаймарданов Азamat Зокирович

Терду Пбосқич таянч докторанти

**Аннотация:** Мақоламизда кушон ҳукмдорлари олиб юрган титуллар масаласи тадқиқот доираларига тортилган бўлиб, титулларнинг келиб чиқиши ва аҳамияти, кушон давлатчилигига асос солиниши ҳамда ҳукмдорларнинг оддий ябғу(раҳбар, ҳукмдор) титулидан, шоҳлар шоҳига айланниб бориши эволюцияси нумизматик манбалар таҳлили асосида ёритилиб берилган.

**Калит сўзлар:** Ябғу, Да-Юечжи, титул, Герай Санаб, “Махараджа”, “Раджатираджа”, “Буюк халоскор”, Шаонаношао, Кушон, “шоҳ”, “шоҳлар шоҳи”.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кушонлар даврида зарб этилган илк тангаларнинг бир томонида Юнон-Бақтриянинг сўнгги подшоси Гермей тасвири, иккинчи томонида эса қхароштхи ёзувида “Кужула Кадфиз, Ябғу Кушон, эътиқодида мустаҳкам” (Kujula Kasasa yavugasa dhramathidasa) деган сўзлари бор эди. Демак, дастлаб Кушон ҳокимлари ўз номларини “подшо”, “шоҳ” тушунчалари билан боғламаганлар. Дастлаб, кушон ҳукмдорлари оддий ябғу титулини қабул қилган. Айрим олимлар, масалан, Д. Сиркар, А. Симонетта, В. М. Массон [1:138] бу тангалар дастлаб Кадфиз I Афғонистоннинг Марказий Афғонистоннинг тоғли худудларига кўчиб ўтиши ва у вақтинча юон ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлган даврлардаги шаклланган вазиятни акс эттиради, деб ҳисобладилар. Аммо, Кушон давлати худудининг кенгайиши, давлатнинг сиёсий ва ҳарбий аҳамиятининг ортиб бориши билан бирга танга пулларда “ябғу” титули ўрнини “шоҳ”, “шоҳлар шоҳи”, “буюк халоскор”, “худонинг ўғли” каби титуллар ёзила бошлаган.

### НАТИЖАЛАР

Хитой ёзма манбаларида бу давлат Да-Юечжи яъни Катта юечжи номи билан аталган. Катта юечжиларнинг ҳукмронлиги даврида бошқарув бешта Ху-хеу (ўлка)ларга: Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хейтун, Гаофу[2:184] ёки Кичик Хан сулоласи тарихига кўра, Хуй-ши, Шуанми, Гуйшуан, Думи ҳамда Хисе ўлкаларига бўлинган эди. Шундай қилиб, Бақтрияда ҳукмдорлар ҳокимияти илоҳийлаштирилган Юнон-Бақтрия подшоҳлиги ўрнига конфедератив турдаги давлат ташкил топади.

Кушон атамаси ҳусусида фикримизни давом эттирадиган бўлсак, бу сўз сулола ёки қабилага тегишли бўлиб, атама илк бор милоддан аввалги I аср охири-милодий аср бошларида ҳукмронлик қилган подшоҳ Герай Санаб зарб қилдирган тангаларда ёзилган эди[3:832] "Heraus"(НІАОҮ) ва "Koshshanou"

этнонимнинг мавжудлиги Герайнинг қушонлар қабила етакчиси эканлигини билдиради[4:32]. Кудзула Кадфиз томонидан зарб эттирилган барча танга матнларида кушон номи доимий равишда қўлланилган. Бундай анъянани бошқа кўчманчи парнларнинг авлодлари - Парфия давлатининг ҳукмдорлари юз йиллар давомида тангалардаги ёзувларда сулола асосчиси Аршакнинг исмини сақлаб келганлигига ҳам кўриш мумкин. Демак, Герай Кудзулагача Гуйшуванга ҳокимлик қилган. Кудзула Кадфиз эса унинг ўғли ёки набираси бўлиб чиқади. Хитой манбалари Кудзула Кадфизнинг бошчилигига юечжи қабилалари Бақтрияга келиб, бешта юечжи қабилаларини бирлаштириб, Гуйшуван подшолигини ташкил этганлиги ҳақида хабар беради.

Археология ва нумизматика фанларида "номаълум шоҳ" ёки "Сотер Магас тангалари деб ном олган бу чақалар Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари жанубида олиб борилган археологик қазишмалар туфайли жуда қўплаб учраган. Бу тангалар қайси Кушон подшоси томонидан зарб этилгани ҳақида тинимсиз мунозаралар ҳозиргacha давом этиб келмоқда. М.Е. Массон, Е.В Ртвеладзе фикрича уларни Кудзула Кадфиз замонида зарб этилган. Сотер Мегас тангасининг ўнг томонида "Буюк халоскор шоханшоҳ" деган грекча ёзув зарб этилган. "Сотер Мегас" тангаларининг ўнг томонида қўлида калта ва енгил найза ушлаган идеал шоҳ сиймоси акс эттирилган. Танганинг терс томони ўртасида узатилган қўлида жанг болтаси табар - загнул тутган отлик шоҳ тасвири туширилган [5:190,191].

"Сотер Мегас" тангаларини қайси кушон ҳукмдори томонидан зарб эттирганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар XIX асрнинг ўрталарида олимлар орасида баҳс - мунозараларга сабаб бўлди. 1950 йилда М. Э. Массон ушбу масалага бағишиланган "Ноъмалум шоҳ - буюк қутқарувчи" мақоласида Сотер Мегас мис тангаларини зарб этилиши, тангаларнинг тарқалиш майдони ва кушон ҳукмдорлари титуллари ҳақида етарлича асосли таклифларини берган, М. Э. Массон фикрича бу тангалар Кудзула Кадфиз томонидан зарб этилган. Бу борада ақадемик А. А. Асқаров ўз қарашларини қўйдагича келтириб ўтади: "Хитой манбалари ва археологик материаллар таҳлилига кўра, Кудзула Кадфиз 80 йил яшаб, милоднинг биринчи яримида подшоҳлик қилган. Рабатак сулолавий рўйхатига кўра, унинг ўғли Вима Такто "номаълум шоҳ" Сотер Мегас (буйук қутқарувчи) номи остида подшоҳлик қиласи" деган фикрни билдиради[6:151]. Бизнингча ҳам Сотер Мегас тангаларини Кудзула Кадфиз эмас, балки , унинг ўғли дейилаётган Вима Такто томонидан зарб этилган.

## МУҲОКАМА

Кушон ҳукмдорлари дастлаб камтарона "явига" титулини олишган. Явиг - раҳбар, етакчи ҳамда шаҳзода деган маъноларни англатади. Г. Пуллейбленк явига титулини туркий кўчманчи қабилалар кушонлардан "ябғу" шаклида қабул қилган деган холосага келган[7:95]. Буни археологик тадқиқотлар натижасида топилган тангаларнинг нумизматик таҳлили ҳам тасдиқлайди.

Жумладан, Кудзула Кадфиз ва Вима Кадфиз даврида зарб этилган тангаларда “Ябғу” (хитойча чжаоу) деган титуллар учрайди[8:114]. Кейинрок эса “Хукмдор Кадфиз” фахрий номи ва турли мақомлар билан тангалар зарб эттирган [9:32]. Кадфиз I ҳукмронлигининг иккинчи даврига келиб давлатчилик асослари анча кучайди, буни у зарб эттирган тангаларда хинд шоҳлари титули ҳисобланган “Махараджа” (буйук шоҳ) ва “Раджатираджа” яъни шоҳларнинг шоҳи, эллин даври ҳукмдорлари олиб юрган “василевс”(шоҳ), “василевс василеон”(шоҳлар шоҳи) каби титуллар пайдо бўлганлигидан билиш мумкин [10:346]. Ҳиндистон ҳукмдорлари олиб юрадиган титулларнинг зарб этилиши Кадфиз I Ҳиндистон ҳудудларини ҳам истило қилганлиги сабабли эгаллайди.

Кудзула Кадфиз энг кадимги турт хил тангасининг барчасида кхароштхи ёзувидаги матнларда “Kushana Yavugasa” яъни “Ябғу Кушон” титулида тангалар зарб эттиради[11:30]. Юнон ёзувидаги ҳудди шундай титул унинг тангаларида юононча НІАОҮ (Zorçc), iobyo (бақтрияча) шаклларда зарб этилган бўлиб, бу титул кўчманчи қабилалар етакчиси ёки раҳбари маъносини англатган. Таниқли тангашунос Жое Крибб Кудзуланинг бу турдаги тангалардаги НІАОҮ сўзини юечжи ва илк Кушонлар тарихига оид Хитой манбаларининг хиҳоу терминига ишора қилиб, кўчманчи қабила ҳукмдорлари олиб юрадиган ябғу титули сифатида кўрсатилган мақом деган фикрига қўшиламиз [12:15]. Чунки, ябғу титулини фақатгина кучманчилик асосида ҳаёт кечирувчи халқлар ҳукмдорлари олиб юрганлиги ёзма ва моддий манбалардаги маълумотлар буни яна бир бор тасдиқлаб турибти.

Таниқли топономист олим Т. Нафасов Жанубий Ўзбекистон ҳудуди топонимлари изоҳи ва таърифига бағишлиланган илмий адабиётларда Жобу қишлоғи номини келиб чиқишини олий ҳукмдорлик унвонларидан бири – ёбғу (йабғу) атамаси номи билан боғлаган. Т. Нафасов таъкидлашича, бу унвон қадимий туркларда қабила ва қабилалар иттифоқи бошлиғига бериладиган титул бўлган деган фикда.

Кудзула Кадфизнинг вориси Вима Тактонинг кўплаб тангаларида “σωτήρ μέγας” (“Буюк халоскор” - Бақтрия тилида “ВΩГО ΣΤΟΡΓΟΞ”) титули жойлаштирилган. Вима Такто узоқ вақтдан бери “исмсиз қирол” номи билан танилган, чунки унинг тангаларида фақат “Қироллар қироли, Буюк Нажоткор” титули акс этган, Рабатак ёзуви топилгунга қадар тарихчи олимлар ўртасида унинг шахсияти катта баҳс-мунозара га айланиб кетган эди. Ҳалоскор, қутқарубчи ғояси юонон ҳудолари учун ҳос бўлиб, асосан, Зевсга нисбатан – нажоткор, халоскор каби сифатлар доим қўлланган. Эллинистик давлатларда ҳудоларга берилган сифатлантиларни ҳукмдорлар титул қилиб олишган[13:441]. Нумизматик манбаларда Вима Такто юонон тилидаги титулни олганлигини кўрамиз, жумладан, бронза тангаларнинг аверсида Вима Тактонинг бюсти, боши юонон қироларига ҳос бўлган боғич боғланган, унинг ортида уч қиррали сулоловий тамға тасвирланган. Реверсида қўлида түғ тутган

отлиқ ҳукмдор ва бузилган юон ёзувида “ΒΑΣΙΛΕΥ ΒΑΣΙΛΕΥΩΝ ΣΩΤΗΡ ΜΕΓΑΣ”, “Basileus Basileon Soter Megas” (шоҳлар шоҳи буюк қутқарувчи) титулида тангалар зарб эттирган [14:153].

Вима Тактонинг ўғли Вима Кадфиз даврида Рим империяси билан савдосотик алоқалари кенг миқёсида олиб борилган. У зарб эттирган олтин тангалар вазни 8 грамм бўлиб I-аср Рим империяси тангалари вазнига мос келади. Бу танганинг аверсида: бошида дубулға, қўлида ҳукмдорлик рамзи бўлган асо тутган ҳолда тасвирланиб, бузилган юон ёзувида: ΒΑΣΙΛΕΥΣ ΟΟΗΜΟ ΚΑΔΦΙΣΗΣ (“Basileus Ooimo Kadphisis”): “Қирол Вима Кадпхисес”. Танганинг реверсида: Шиванинг ўнг қўлида узун тридент, чап қўлида эса йўлбар териси, чапда Вима Кадфиз монограммаси. Қҳароштҳи ёзувида: ΜΑΗΑΡΑ𝐽Α𝑆Α RAJADIRAJASA SARVALOGA ISVARASA MAHISVARASA VIMA KATHPRHISASA TRADARA [15:524] (“Буюк подшоҳ, шоҳлар шоҳи, дунё хўжайини, Маҳисвара (ернинг хўжайини), Вима Кадфиз, ҳимоячи.” каби титулар орқали унинг шахсияти янада илохийлаштирилган.

Канишка I (милодий 127\128-152 йиллар) ҳукмронлигининг илк босқичида юонча ΒΑΣΙΛΕΥΣ ΒΑΣΙΛΕΩΝ ΚΑΝΗΡΚΟΥ яъни шоҳлар шоҳи Канишка титулида олтин танга зарб еттиради. Танганинг олд томонида, Канишка қурбонгоҳ устида қурбонлик қилаётган ҳолда тасвирланган бўлса, танганинг тескарисида тиктурган Гелиос ва сулолавий тамға тасвири туширилган[16:142].

## ХУЛОСА

Будда тасвири туширилган Канишка I олтин тангасида эса “ΡΑΟΝΑΝΟΡΑΟ ΚΑ NhPKI ΚΟΡΑΝΟ” - “Шаонаношао Канишки Кушано” титулини зарб эттиради. Шаонано шао титули қадимги Бақтрия тилидан олинган бўлиб, “шоҳлар шоҳи” деган маънени англатган[17:265]. Айнан Канишка I тангаларидаги юонча “vasilevs vasileon” титулига эквивалент бўлган, сак-хутан тилидан олинган ва қадимги форсча шакли “Kshaathiyam Kshayathia” - шоҳлар шоҳи титулини такрорлайдиган титул ўрнига бақтрияча “Шаонано шао” (Шаонаношао - шоҳлар шоҳи) титулига алмаштириди. Тангалардаги матнларда ҳинд титуллари ҳам деярли қўлланилмайди. Канишка I юон титуларидан бутунлай воз кечади ва ўзининг келиб чиқишини бевосита Ўрта Осиё дунёсига тақайди. “Шаонано шао” титули форсча Kshāathiyānām Kshāyathia- шоҳлар шоҳи титули формасини такрорласа-да, империя ўзига ҳос бошқарув усулига эга эканлиги билан фарқланган.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Sircar D.C.,1953, p. 138; Simonetta A.M., 1958, p. 171; Masson V.M., Romodin V.A.,1964, pp. 158-159.
2. Бичурин Н.Я. Сведения о народах....

3. Ўзбекистон Миллий Енсклощедияси.Давлат илмия нашриёти.  
Тошкент.2000 йил.
4. Markowitz M. Coins of the Kushan Empire Coin Week 2019.
5. Асқаров А.А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент нашриёти 2015 й.
6. Турсунов. С.Н.Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. Т. Муҳаррир нашриёти.2003 й.
7. G. Pulleyblank . The oonsonontal system..., 1» 2, p.95« 2, p. 256i B.G. Pulleyblank . Chinese and Indo—Buroneans.... p.28.
8. Зиёдулла Муқимов.Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Т. Адолат нашриёти. 2003й.
9. И.Исоков М., Пардаев К. Узбекистон тарихи Ўқув қўлланма. Тошкент нашриёти.2009 йил.
10. Э.В. Ртвеладзе. Титулы правителей государств и владений в Средней Азии в начале I тыс. до н.э. – III-IV вв. н.э 2009 г.Ўзбекистон нашриёти.
11. Chattopadhyay B. The age of the Kushanas: A Numismatic study- Calcutta,1967. P. 22-28; Mukherjee. The Rise and Fall...P.
12. Cribb 1993, 130. Cribb has returned to the title, devoting to it a specific treatment in 2018, where HIAOY is expressly taken to render in Greek letters the Chinese xihou. Falk 2018 is of the same opinion (having changed since Falk 2015, 87, where H(I)AOY was felt to reflect šāhi for “king”). The derivation of the title from a Chinese original was already criticized by F. Thierry (2005, 462–463). The question is still a matter of debate, also due to the possible inferences on the ties between the Kushans and the Han (cf. Cribb 2018, 15; Falk 2018, 34).
13. Fussman 2014: 441-бет.
14. Cribb, Joe. “The ‘Heraus’ coins: Their attribution to the Kushan king Kujula Kadphises”,Essays in Honor of Robert Carson and Kenneth Jenkins. Price, M., A. Burnett and R. Bland. London (1993) .
15. Tarn, W. W. (1951).The Greeks in Bactria and India. 3rd Edition 1984. Ares Publishers, Chicago.ISBN 0-89005-524-6.
16. Sims-Williams, Nicholas and Joe Cribb (1995/6): "A New Bactrian Inscription of Kanishka the Great."Silk Road Art and Archaeology4 (1996), pp.
17. Cribb, Joe. “The ‘Heraus’ coins: Their attribution to the Kushan king Kujula Kadphises” New Dehli.